# Уйқудан аввал ўқиладиган суралар




15:26 / 11.03.2023    3246

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зумар сураси ва Бани Исроил (Исро) сурасини ўқимагунларича ухламасдилар».**
*(Термизий ривоят қилган ва буни ҳасан ҳадис деган.)*
Ҳар кеча уйқусидан уйғониб кетса Оли Имрон сурасини охири

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

оятидан охиригача ўқишлик мустаҳаб. Чунки, икки саҳиҳ тўпламда Оиша онамиздан қуйидаги ривоят мавжуд: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар уйғониб кетсалар, Оли Имрон сурасини охирини ўқир эдилар
*(Бухорий ва Муслим ривояти)*

*Жалолиддин домла Ҳамроқулов*